

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 91 (6833)  
1997 йил 22 ноябрь шанба

Сотувда эркин  
нархда

Тошкент шаҳар Сирғали тумани халқ таълими бўлими ўқув тарбия ишлари бўйича мудир муовини Насиба Раимкуловага туман ўқувчиларининг таълим тарбияси ҳақида сўзлаб берсангиз, — дедик.

— Сухбатни рақамлардан бошлайман, — дедилар улар. Ту-

## БОЛАЛАРНИНГ

манимизда 30940 та ўқувчи бор. 23 та мактаб, 4 та лицей, 33 болалар боғчаси фарзандларимиз ихтиёрида. Мактабларимизнинг аксарияти уз имкониятларидан келиб чиқиб, маълум бир фанни чуқур ўқитишга мослаштирилган. Масалан, 300- мактабимиз физика, математика фанларига йуналтирилган бўлса, 284- мактабда банк тизими бўйича кенгайтирилган фанлар ўқитилади. 305- мактаб-лицей (эко-мактаб) табиатни муҳофаза қилиш «Экосан» жамғармаси хомийлигида болажонларимизни табиатни урганиб асрашга ургатади. Ушбу мактабларга малаҳали олийгоҳ ўқитувчилари жалб қилинган. Тошкент санъат институти билан 104- мактаб контракт тузган. Мактабнинг биринчи синф ўқувчисидан тортиб, ўқитувчисигача санъатсевар, мусиқага, театрга меҳр қуйганлар. Туманимизда утказиладиган барча байрамларда концерт дастурлари, сахна кўринишлари билан қатнашиб келишади.

1995 йилда туманда тажриба сифатида 318-боғча мактаб-боғча мажмуига айлантирилди. 1997—98 ўқув йилида дастлабки битирувчиларини қобилиятла-

рига қараб лицейларга тавсия этади. Боғча-мактабга Тошкентдаги рангли металл заводиди хомийлик қилмоқда.

Янги ўқув йилига қуриб битказилган 322-мактабни ҳуқуқ асосларини ургатадиган лицейга айлантириш режамиз бор.

— **Насиба опа! Сухбат мазмунидан сезилиб турибдики, асосий эътибор кўпроқ лицейларга қаратилган. Қобилиятли, зеҳли болаларнинг кўпчилиги шу**

## «БУ МЕННИНГ ГАЗЕТАМ»

ерда ўқишмоқда. Бу кетишда оддий мактаблар иккинчи даражага тушиб қолмасмикин?

— Йўқ, тушиб қолмайди. Шу масала юзасидан «Кадрлар тайерлаш бўйича миллий дастур»га оид ишларимизни таҳлил этиб, имкониятларимизни чамалаб 1997—2000 йилларга мулжалланган дастур ишлаб чиқдик. Урта мактабларнинг 9-синфини тугатган ўқувчи 10-11-12 синфларда касб олиш мақсадида ўқитилади. Ҳозир ишлаб турган ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини хунар коллежларига айлантириш режалаштирилмоқда. Шунда болалар мактабнинг узида бирор касбни эгаллашади. Турли ўқув

## Обуна—98

қиб айтишим мумкинки, болаларимизнинг фикрлаш қобилияти анча паст. Биз ишлаган, ўқиган вақтларда мактабларда доимо «Ленин учқуни» («Тонг юлдузи»), «Гулхан», «Гунча», юқори синфлар учун «Ёш ленинчи» («Туркистон») газеталари ва журналларига мунтазам обуна булардик, ўқирдик. Матбуот билан танишиб боришимизни ўқитувчиларимиз кузатиб боришарди. Қизиқарли мақолаларни синфда узимизча таҳлил қилардик. Менимча бугунги кунда болаларимизни айнан китоб-газеталардан чалғи-

## ДЕШУШТА ИШОНАМАН...

тиб қуяётган яна бир нарса бу — телевизор. Мактабдан ташқари болаларнинг кўп вақтлари телевизор олдида ўтипти. Буни аввало ота-оналар назорат қилишлари, телевизор куриш вақтларини чегаралашлари лозим. Мана газетангизда ҳафталик телекурсатувларнинг тартиби, айнан болалар курсатувлари вақтлари аниқ қилиб курсатилган. Бу ота-оналар учун айна муддао.

Маънавият масалаларига келсак, туманимиздаги ҳар бир мактабда бир ойда бир марта «Маънавият дарслари» утказилмоқда. Мана, яқинда ҳамма мактаб боғчаларда тил байрамини кенг нишонладик. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб 266,300,305- мактабларда очиқ дарслар, адабий кечалар утказилди. 1998 йилда утадиган «Имом Бухорий кунлари»да мактабларда илмий анжуманлар утказиш режалаштирилмоқда. Маънавий-маърифий тарбия бериш мактабларда, тарбия масканларида яхши йўлга қўйилган. Бунда албатта фидойи ўқитувчи, тарбиячиларнинг меҳнатлари беқиес.

«Тонг юлдузи»га келсак, унга обунани шахсан узим кузатиб бораман. Маҳаллаларда, мактабларда, ҳокимликларда буладиган учрашувлар, кенгашларда албатта бу мавзунини илгари суришга ҳаракат қиламан.

— «Тонг юлдузи»га устоз-муаллим, раҳбар сифатида тилакларингиз.

— «Тонг юлдузи» уз фаолиятини сусайтирмасин. Болалар ҳаётига чуқурроқ сингиб борсин. Газетангизни болалар доимо: «Бу менинг газетам», — дейишига ишонаман.

**Сухбатдош  
Маҳмуда ХАЙДАРОВА**

## УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

(Биринчи ўқитувчим Жавоҳир Абдурахмоновага)

Суюкли муаллимам, хаёлан сиз босиб ўтган қўтлуғ йўллари уйладим. Тугенлар, ҳаяжонлар, муваффақиятлару изтиробларга тулик, ниҳоятда улуг экан у кунлар...

Биз биринчи синфга борганимизга ҳам қаранг, 30 йил булибди-а? Мен 30 йил олдинги ҳаяжонларимни эсласам, ҳозир ҳам гуё Сизнинг 6 ёшли ўқувчингизга айланиб қолавераман. Эсимда, Сиз ҳар биримизни алоҳида-алоҳида яхши курадингиз. Биз эса Сизнинг меҳрингизга шу қадар урганиб қолган эдикки, бир-биримиздан Сизни қизганиб, ортингиздан сеҳрлангандек эргашиб юравсардик.

1- «А» синфимизнинг бошқа синфлар олдида мавқеи баландроқ эди. Чунки бизнинг ДЕНГИЗ аталмиш алоҳида дунёмиз бор эди. Сиз болалигингиз утган Қора денгиз буйлари, Маҳобатли ошиқ Тоғ ҳақида сирли ҳикоялар, биров гамгин қушиқлар айтиб берардингиз-да! Бу билан биз ҳали узимиз кўрмаган денгизга интилардик... Энди билсам, Сиз ушанда бизнинг қалбимизга кенгликни, бепоёнликни, улугворликни солган, севишнинг илк уруғларини қадаган экансиз...

Йиллар ўтди. 1967 йилнинг сентябрида Сизнинг атрофингизда чуғурлашиб юрган кичкинтойларнинг барчаси бугун ҳаётдан уз уринларини топиб кетишди. Гоҳо уйлаб қоламан, биз сиздан олган меҳрни бошқаларга улаша олдикми, бизга ишонган қалбларнинг денгизини қулмакка айлантириб қўймадикми?

Азиз устозим, илк таниган кунимдан бошлаб мен Сизга интиламан, мен Сизни соғинаман...

*Сиз ўтган йўлларнинг шиддати мўлдир,*

*Сиз меҳр бердингиз, мурғак кўнглим.*

*Минг бор «Алифбе» ни ўқиб ўлтириб,*

*Сизга таъзим этай, жон муаллима!*

**Ўқувчингиз Хулқар ХАМРОЕВА,  
Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Орзу  
Маҳмудов номли жамоа ҳўжалиги**



## Даъват

**160 ўқувчидан 80 нафари ўз газетасини ўқийди!**

«Тонг юлдузи» («Ленин учқуни») газетасини ўқиб эсимни таниганман. У пайтларда ҳатто бир оилада турт ўқувчи бўлса, туртталаси ҳам ўқувчилар газетасига обуна булар эди. Ота-онамиз уканг ёки опанг ёзилди-ку, сен обуна булмайд қўяқол деб айтолмасдилар. Чунки обуна ҳам гуё кампанияга айланганди. Бир ҳисобда айнан шу — ўқувчилар газетасига ёзилишни кампанияга айлантириш керакка ухшаб қолди. Чунки ўқувчи ҳар ҳафтада икки марта узи йўқлаб келаётган газетасини бир сафар булмаса, иккинчи сафар ўқишга мажбур булади. Қолаверса «Тонг юлдузи» уз-узидан маълум, алифбо газетадир. Менинг назаримда, боғча тарбияланувчилари-ю мактаб ўқувчилари ва ўсмирлар учун доимий чиқадиган шунга ухшаган газета йўққа ухшайди. Шунинг учун мен ўқувчиларим кутубхонага китоб излаб киришса, уз газетангни ўқидингми? Унда «Тарихимизни урганамиз» деган мақола чиқибди. «Буш утирма» саҳифасини кўрдингми? Унга жавоб топиб, узинг олиб бор газетига. Ахир бизга узоқ эмас-ку, редакция бинноси. Ажаб эмас, хорижда ишланган велосипедни сен олсанг» қабилда ҳам йуналиш, ҳам курсатма бериб, уларни газетхонликка қизиқтираман. Шунинг учун булеа керак, узи яқиндагина ташкил этилган лицейимиз ўқувчилари «Тонг юлдузи»га обуна булишни эрта бошлаб юборишди. Келаси йилдан ҳар икки ўқувчининг уз газетаси булади. Мен ҳамкасбларимга кутубхонага аъзо булган болаларни энг аввало газетхонликка тарғиб қилинг, — деган булардим. Чунки ёшлиқдан газетхон булган болалар чиндан ҳам саводхон, билимдон, сезгиру, зукко булиб ўлаядилар.

**Шаҳноза ХАКИМОВА,**

**Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги  
325-Шарқшунослик лицейи кутубхоначиси**



юртларига кириш муаммоларидан қутулишади.

— Бугунги кунда маънавият ҳақида кўп гаплар бўляпти. Кекса, тажрибали муаллимларимиз фикрича фарзандларимиз газетхонлиги сусайган. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Иш фаолиятимни мактабда, ўқувчилар етакчилигидан бошлаганман. 20 йиллик педагогик тажрибамдан келиб чи-

## ЭЛБЕК, НЕГА ИСМИНИГ ПОЕЗДВОЙ?

Элбек ҳозир 4-синфда ўқийди. «Поездвой» деб чақаришади уни. Элбек ҳам бунга одатланиб қолган.

Андижон — Душанбе поезди чуллар бағрини кучли овози билан титратганича тун бағрини ёриб чиққудек булиб Қарши шаҳрига кириб борарди. Поездда одамлар куп эди. Элбекнинг онаси Жамилахон опа безовталана бошлади. Сезгир бувижони буни дарров билиб олдилар-да, бегона кишиларни хонадан чиқиб туришларини сурдилар. Вагон йулаклариди одамлар орасида узаро шивир-шивир бошланди ва орадан ҳеч қанча вақт утмай поездда Элбек дунёга келди. Бувижони юрак тула меҳр билан чақалоқни қулига олар экан, «Мана менинг поездвой набирам», — деб айтдилар. Шундан буён Элбекнинг иккинчи исми «Поездвой» бўлди — қол-

ди.

Бу хабар тезда вагон бошқарувчисининг сигнали орқали ҳайдовчиларга ҳам етказилди. Тезликни оширган ҳайдовчилар муддати-

дан олдин бекатга етиб келди. Поездни Қарши шохбекатида «Тез ёрдам» машинаси кутиб турарди.

Мана сизга Поездвой — Элбек исмининг қисқагина мазмуни. Шунинг учун ҳам Элбекни онажониси доимо эркалаб Қарши чўли йулларида дунёга келган «поездвой углим», деб чақиради. Элбек бунга урганиб қолган.

**Маъмура МАДРАХИМОВА**

## Бир маърузадаги мактублар



гал йуқлама қилганларида дугоналарим, синфдошларим номимни айтиб чақаришганларида узимдан узим қаёққа қочиб беркинишни билмай қоламан. Бир куни қўшни мактабдаги бир бола билан туман олимпиадасида бир партада утириб қолдим. Иншо ёзаётган пайтимизда у боланинг рўқасининг ранги тугаб қолиб, мендан ортиқча рўқча бўлса, бериб туришимни илтимос

либ.

— Ниҳоят, лицензия олиб келаямман, — деди тоғаси мамнун илжайиб. — Энди иш бошласак ҳам булади.

— Хўп, ажаб иш бўпти-да, илойим ишинлар унгидан келсин! — деди онаси ҳам хурсанд бўлиб.

Адҳамжон ҳайрон бўлиб қолди. Кейин кучага югурди. Йўқ, ҳеч қанақа лицензия йўқ. Ҳеч нарсага тушунмай яна орқасига қайтди. Тоғаси бу пайтда турхалгадан бири-бирига ухшамаган шакли ширин кулчалар, печеньелар олиб дастурхонга қўяётган эди.

— Ана энди опа, биз ҳам нонвойхонамизда шунақа нарсалар пиширамиз, — деди тоғаси лаби-лабига тегмай. — Ёлган нон дейсизми, патирами, кулчамми...

— Лицензия-чи? Лицензия қани? — беихтиёр суради Адҳамжон. Онаси билан тоғаси бир-бирларига ҳайрон қараб қўйишди, кулиб юборишди. Кулганларича бор экан. Адҳамжон буни кейин тоғасидан билиб олди.

«Лицензия» дегани лотин тилида «ҳуқуқ, эркинлик» деган маъноларни англатаркан. Яъни лицензия бирон янги ихтирога, техника

қилди. Хўп дедиму; уша заҳоти ортиқча рўқамни бердим. Хурсанд бўлганидан қайта-қайта раҳмат айтарди. Эй, худойимей, исминини сурамасин-де, ишқилиб деб хавотирланиб турардим ҳамки, «Исмингиз ким?» деб сураб қолди ҳалиги бола. «Сарқит», дедим сикингина. «Нима, Сарқит?» деб такрорлади-ю, бола овози борича кулиб юборди. Уятдан, аламдан титраб кетдим, иншо ёзаётган хонадан отилиб чиқиб кетдим. Қанча

## БУЛБУЛ БЎЛГИМ КЕЛМАЙДИ

Дадамнинг айтишларига қараганда мен янаги йил мактабга борармишман. Лекин менинг ҳеч мактабга боргим йўқ. Демак, бу бола ўқишни, мактабни ёмон қураганда деб уйлариш, балки.

Йўқ, сира унақамас. Мен ўқишни, мактабга боришни жудамен яхши қураман...

Менга Булбул деб ном қўйишган. Боғчамизда ҳамма болалар мени: «булбулча, булбулча қани битта сайраб бергин-чи» деб масхара қилишгани-қилишган. Маҳалламиздаги болалар ҳам нуқул шунақа дейишади. Мактабга борганимда ҳам мени шундай мазақ қилаверишса, унда нима қиламан? Баъзан дадамдан, уйдагилардан роса жаҳлим чиқиб кетади. Узи менга нега Булбул деб исм қўйишган. Нима бошқа яхши исмлар қуриб қолганми ахир?...

**БУЛБУЛ,  
Тошкент шаҳри,  
Лабзак даҳаси**

## САРҚИТ, Қашқадарё вилояти Фузур тумани

Таҳририятдан:

Азиз болажонлар. Қонунга кўра паспорт олиш чоғида исмларингизни ўзгартириш ҳуқуқига эгасизлар.

## Иқтисодиёт алифбоси

янгиликларига, янги технологияда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун давлат томонидан бериладиган рухсатнома дегани экан.

Адҳамжон ана шундай қилиб, унинг нималигини билиб олди...

## «МАРКЕТИНГ», «МЕНЕЖМЕНТ»

Қайси куни Барнонинг акаси уйга узи билан Иқтисод Университетида ўқийдиган талаба уртоқларини бошлаб келди.

Талабалар қизик бўлишаркан. Бири олиб, бири қўйиб тортишаркан, узларининг гапларини маъқуллашаркан. Барно «ишқилиб, уришиб кетишмаса майлиди» деб қўрқиб утирди. Йўқ, уришибмадию, лекин Барно уларнинг куп гап-сузларига тушунолмади. Ҳар икки гапнинг бирида «маркетинг» дейишадимий, «Менежмент» мийей! Хуллас галати-галати, одамнинг тили келишмайдиган сузлар!...

Уртоқлари кетишгач, Барно бу сузларнинг маъносини сураганиди, акаси тушунтириб берди. Мана унинг айтганлари:

«Маркетинг» инглизча «Бозор, сотиш» дегани бўлиб, бозор иқтисодиётининг энг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланаркан. У харидорлар эҳтиёжини қондириш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш, сотиш ва сотиб олиш билан, харидорнинг талабларини, нархларини урганиш сингари жудаям куп талбирларни ўз ичига оларкан.

Хўш, «менежмент»-чи, дерсиз? Барно буни ҳам билиб олди.

«Менежмент» ҳам инглизча суз бўлиб, «бошқариш, ташкил этиш» деган маъноларни билдиради. Яъни замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш, режалаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш, раҳбарлик қилиш ҳам менежмент деб аталаркан.

Акасининг айтишича, ҳозир Республикамизда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш мақсадида менежментга жуда катта йул берилибди. Яна шунини ҳам айтдики, агар Барно яхши ўқиса, катта булганда у ҳам «менежер», яъни «бошқарувчи» бўлиши мумкин экан...

## «А» ДАН «Я» ГАЧА...

### «ЛТД» НИМА?

Захро дадаси билан кучадан утиб боришадиган эди. Йулда, баланд бир бино эшигига «Нурафшон» ЛТД деган ёзувга кузи тушиб қолди. Ҳали сурашга улгурмагани ҳамки, йул ёқасидаги дукон пештоқига «Савоб» ЛТД га қарашли савдо шохобчаси деган ёзувни курди ва дадасидан «ЛТД» нима эканлигини суради.

— «ЛТД» — «лимитед» дегани, — жавоб берди дадаси.

— «Лимитед» дегани нима? — яна суради Захро.

— «Лимитед» — чеклаш, чегара дегани, — жавоб берди дадаси.

— Қайси тилдан олинган? — яна суради Захро.

— Инглиз тилидан, — деди дадаси.

— У нимани билдиради? — суради Захро.

— Узининг вазифалари, мажбуриятлари юзасидан маъсулияти чекланган корхоналарни ЛТД деб ата-

шади, — тушунтирди дадаси. — Яъни «маъсулияти чекланган корхона» дегани. Ҳозир бозор иқтисодиётига утилаётган пайтда бунақа корхоналар, ширкатлар, ташкилотлар жуда купайиб кетди. Тушунарлими, энди?

— Энди тушунарли! — жилмайди Захро.


Шундан кейин икковлариям кулиб юборишди.

Дадаси қизчасининг ҳар нарсага қизиқиши, билимга интилишидан суюнган бўлса, Захро дадасининг билагонлигидан хурсанд бўлди.

### «ЛИЦЕНЗИЯ»

Дам олиш куни эди. Адҳамжоннинг тоғаси келиб қолди. Оғзи-қулоғида, хурсанд эди. Бир қулида торт, қултиғида тарвуз, иккинчи қулида яна алланималар солинган турхалга бор эди.

— Ҳа, тинчликми? — деди Адҳамжоннинг онаси ҳайрон бу-



# ХУР ВАТАН СЕНИКИ

Кичкинтой



Хур Ватан сеники,  
Тонглар сеники!

Болажон! Орзуларингнинг губори йуқ. Далажонимга ухшаб, милиционер буламан деганингни эшитиб орзикиб кетдим ва

яна сендан сурадим:

— Нима учун милиционер булмоқчисан?

— Уғриларни ушлайман...

Кузларингда учқун порлатиб, ёмонларга нафратингни ошқора айтдинг:

— Мен уларни ёмон кураман...

Ёнимга синфдошинг Гулбахорни чорладим. У катта булса тикувчи булмоқчи экан.

Кузлари пирпирайди. Бийрон-бийрон жавоб қилади:

— Ҳозир тикувчиликни аям ургатяптилар.

— Нималарни ургатяптилар?

— Куйлакча, фартукча тикишни.

Гулбахор жажжи қўллари билан тикув машинаси қулогини айлантириб чок тикаётганини

бир зум куз олдимда тикладимда, эртақ биласанми, деб ҳам сурадим.

— Ҳа...

— Қанақа эртақларни биласан?

— «Бугирсоқ», яна «Зумрад ва Қиммат»...

— Вой, «Зумрад ва Қимматни» ҳам биласанми, уша эртақдаги Қиммат-чи, менинг энг яқин уртоғим булади.

Ошқора ҳайратланади у. Журтга баҳсни давом эттираман:

— Нимаси ёмон? Қиммат яхши қиз.

— Йу-у-уқ! Зумрад яхши қиз. Унинг эндигина оқни қорадан ажрата бошлаган фикрларини ҳавас билан тинглайман.

Сухбатимизга муаллима Мавжуда опа Болтабоева қўпилади:

— Уқувчиларимнинг қизиқишлари яхши. Ҳамма нарсани билгиси келади уларнинг.

Мен ҳикоя қилаётган болалар чиндан ҳам билимдон уқув-

чилар экан. Улар Олмалик шаҳридаги «Олтин балиқча» номли болалар боғчасининг I-синфида вақтида дам олиб, вақтида дарслардан сабоқ олишаркан. Мен шу синф уқувчиси Жасурбек Исроиловни ҳам суҳбатга тортдим:

— Жасурбек, сумканг бунча чиройли-а, қаердан олдинг?

— Устозимиз бердилар.

— Бунча яхши. Устозинг қаердан олибдилар.

— У кишига Президентимиз Ислом Каримов берганлар.

— Яна нималар олдинг?

Жасурбек қолганини савол кутмай бир-бирига улаб кетди.

— Дафтар, қалам, учиргич, расм дафтар, буюқ қалам...

— Раҳмат айтдингми?

— Ҳа...

— Кимга?

— Президентимизга...

Боғча мудираси Раъно опа Султонова билан ҳам анча суҳбатлашдик:

— Бир юз отмиш нафар болаларимиз бор. Раҳбариятдан миннатдоримиз. Камчиликларимизга бажонидил кумаклашишмоқда. Яқинда болаларимизнинг ҳамма курпа-тушақларини янгиллаб беришди. Овқат-озикларимиз ҳам жойида. Нолима-сак ҳам булади. Ун битга гуруҳда тарбияланаётган кичкинтойларнинг ота-оналари ҳам ҳурсанд.

Боғчадан руҳим тетик чиқдим. Олмаликдан Тошкентга етиб келгунча ушбу шеър қулоқларим остида такрорларди:

*Иқболингда порлоқ келажак кўрдим,*

*Тегрангда губорсиз бир фалак кўрдим,*

*Нурли кўзларингда камалак кўрдим,*

*Сенинг тилақларинг оппоқдан оппоқ*

*Хур Ватан сеники,  
Тонглар сеники!..*

Сайид ОЛИМ



## «Ойнаи жаҳон» — болаларга

1997 йил 24 ноябрдан 30 ноябргача Ўзбекистон телевидениеси болалар учун куйидаги дастурда кўрсатувлар таяёрляпти.

### ДУШАНБА, 24 НОЯБР.

Уз.ТВ. I-Дастур.  
9.10. Болалар учун «Бешбармоқ» кичкинтойлар учун тележурнал.  
10.05. «Шоҳсанам». Хоразм вилоят қугирчоқ театри спектакли.

13.20. «Кел, душлашайлик». Мультфильм.  
18.10. «Маслэнкалик бузоқча». Мультфильм.  
20.10. «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ. 2-Дастур.  
18.20. «Ёрилтош». Мульттуплам.  
18.35. «Табиат дунёси». Уз.ТВ. 3-Дастур.  
21.35. «Кругозор» тележурнал.  
Уз.ТВ. 4-Дастур.  
18.45. Мульткарусель.

### СЕШАНБА, 25 НОЯБР.

Уз.ТВ. I-Дастур.  
9.40. «Ёзувчилар — болаларга». Эргаш Раимов.  
10.30. Инглиз тили.  
12.00. Болалар учун «Сехрли оҳанглар».  
18.10. «Бировнинг молига куз олайтирсанг, узингникидан айрилсан». Мультфильм.  
20.10. «Оқшом эртақлари».  
Уз.ТВ. 2-Дастур.  
18.20. «Ёрилтош». Мульттуплам.  
19.55. «Табиат дунёси». Уз.ТВ. 4-Дастур.

18.50. Мульткарусель.  
**ЧОРШАНБА,  
26 НОЯБР.**

Уз.ТВ. I-Дастур.  
10.05. «Мактублар ва кабутарлар». Курсатувда болалар муҳарририяга келган мактублар шарҳланади.  
10.30. Математика.  
11.00. «Зумраша». Болалар учун ҳажвий киножурнал.  
18.10. Болалар учун «Табиат алифбоси».  
20.10. «Оқшом эртақлари».

### КОМПЬЮТЕР ОШ ДАМЛАЙДИ

Ҳа, компьютер ош дамлайди, чой қайнатади, сурат солади, уйларни таъмирлайди!... Курсатув муҳаррири Тоҳир Муллабоев шундай фикрда. Бу асосли фикр, чунки компьютер одамлар оғирини енгили қилиш учун ишлаб чиқилганда! Гап унинг тилини топишда қолган. Энг асосийси, «Тонг юлдузи» саҳифаларида «Компьютер сабоқлари» нега ойнаи жаҳондан тушиб қолди? — деб тенгдошларимиз ёзишгач у яна тикланганида! Курсатувни педагогика фанлари номзоди Тургун Азларов жуда таъсирчан қилиб олиб борди. Уқувчиларнинг ҳозиржавоблиги курсатувнинг қизиқарли утишида омил бўлди. Мен бу курсатув қайта телекузуда намойен бўлганидан хурсандман. Аммо, мен учун яна бир муаммо: катта меҳнат билан тайёрланган бундай курсатув нега кундуз кунни берилади? Ахир, кичиклик болалар бу пайтда ўқиб билан машғул буладилар-ку!

**Отабек ХАСАНОВ,**  
Тошкентдаги 178-мактабнинг 4-синф ўқувчиси

Уз.ТВ. 2-Дастур.  
18.20. «Ёрилтош» мульттуплам.  
19.55. «Табиат дунёси». Уз.ТВ. 4-Дастур.  
18.45. Мульткарусель.

### ПАЙШАНБА, 27 НОЯБР.

Уз.ТВ. I-Дастур.  
10.30. «Алифбо сабоқлари».  
11.00. «Ватанни севмоқ иймондандир...»  
12.05. «Қизиқарли учрашувлар». Курсатув Чулпоннинг 100 йиллигига бағишланади.  
18.10. «Умид учқунлари» тележурнал.  
20.10. «Оқшом эртақлари».  
Уз.ТВ. 2-Дастур.  
9.00. Болалар дунёси.  
18.15. «Эркатой».  
Уз.ТВ. 4-Дастур.  
18.45. Мульткарусель.

### ЖУМА, 28 НОЯБР.

Уз.ТВ. I-Дастур.  
9.40. «Гунча» — меҳмонимиз.  
10.20. «Бир шер ва 9 сиртлон» мультфильми.  
10.30. География.  
11.00. Немис тили.  
18.10. «Сергайрат кампир» мультфильми.  
20.10. «Оқшом эртақлари».  
Уз.ТВ. 2-Дастур.  
9.00. «Эркатой».  
18.20. «Бугуннинг боласи».  
Уз.ТВ. 4-Дастур.  
18.45. Мульткарусель.  
19.30. «Умид чечаклари».

### ШАНБА, 29 НОЯБР.



Уз.ТВ. I-Дастур.  
10.05. «Шоҳруҳ клуби».  
12.05. «Уйла! Изла! Топ!».  
Телебеллашув.  
13.10. «Қувноқ стартлар».

### ЁЗМОҚ УЧУН ЭРКИНЛИК

Ёзмоқ учун эркинлик керак. Чунки ижодкорлик — кенгликдан, кутаринкиликдан, қувонч ёки ташвишлар қуршовидан пайдо бўлади. Ана шу эркинликни ХУРРИЯТ берди! Ўзбекистон Халқ таълими вазири, азиз устозимиз Ф. Йулдошевнинг матбуотдаги чиқишлари, телевидение, радио орқали ҳам куришиб, гапиришлари менга жуда маъқул. Ҳамини маънавиятли ешлар тарафида бўлиб, фарзандларимизни ўқишга, илим олишга даъват этишлари келажакимиз учун ҳақиқий жонкуяр эканликларидан далолатдир. Болаларнинг ижодкорликларидан таъсирланиб «Президентимиз орзу қилган болаларни қураётман», — дедилар улар шу курсатувда. Очиги, бу гапдан менинг кузларимга еш келди, чунки қайси юртнинг болалари билимдон бўлса уша юрт мангу яшашига ишонаман. Чунки билим — дуненинг қалити. Бу қалитга эга булсак ер юзини истагимиздек тинчлик, хотиржамликка буркаган булардик. Набираларимга газета ўқиб бериб утириб, курсатувлар ҳақидаги мулоҳазага кузим тушди ва шу ҳафтада «Орзу» курсатувида таъсирланганимни сизларга ёзиб юбордим. Бахтимизга юртимиз тинч бўлиб, болаларимиз орзуланган, яхши дунеларни кашф этишдан толмасинлар!

**Раҳима АШУРОВА**  
Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-ўрта мактабнинг собиқ ўқитувчиси

18.00. «Гулгунчалар».  
19.50. «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ. 2-Дастур.  
9.00. «Бугуннинг боласи».  
18.15. «Боланинг тили».  
18.30. «Ёрилтош». Мульттуплам.  
Уз.ТВ. 4-Дастур.  
9.55. «Биргаликда куйлайлик».  
11.25. «Корейс тилини урганамиз».  
18.45. Мульткарусель.  
19.50. «Шанба оқшомида».  
21.20. Болалар сузлаганда.

### ЯКШАНБА, 30 НОЯБР.

Уз.ТВ. I-Дастур.  
8.25. «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
11.00. «Яшил чироқ» телемусобақаси. Жиззах на сурхондарёлик еш йул назоратчилари йул ҳаракати қондалари юзасидан беллашадди.  
14.10. «Болалигим — пошшолгим». Кичкинтойлар учун видеоканал.  
18.00. «Омад юлдузи». Курсатувда иштирок этишни хоҳловчилар мактуб орқали бизга мурожаат қилишлари мумкин. Энг кичик иштирокчилар 7 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Мактубингизда оилавий фотосурат, ота-оналарнинг касблари, қизиқишлари ҳақида ҳам маълумот юборинг.  
Уз.ТВ. 2-Дастур.  
9.00. «Боланинг тили».  
9.15. «Ёрилтош». Мульттуплам.  
18.15. Мультпанорама.  
18.35. «Синфдош».  
Уз.ТВ. 4-Дастур.  
9.00. «Хайрли тонг».  
9.30. «Эртақларнинг сехрли олами».  
18.45. Мульткарусель.  
**Тоҳир МУЛЛАБОЕВ**

# «КУШИК КЎНГИ ИСТАГИ»



Мен бугунги узбек эстрада-сида ижод қилаётган санъаткорлар ҳақида шахсий фикрларимни сизлар билан уртоқлашмоқчиман. Негаки, хонандаларга қушиқ ёзиб бериш сабаб улар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга тўғри келади. Очигини айтиш мумкин. Бугунги эстрада санъатимизда жуда кўп муаммолар бор. Булардан бири оригинал, яъни янги қушиқларнинг жуда кам ёзилаётганидир. Кўпроқ хонандаларимизнинг репертуарлари асосини туркча қушиқлар ташкил этади. Мен бунга қарши эмасман. Агар турк ёки араб, қолаверса бошқа халқларнинг бирор қушиғи ута оммалашиб кетса, уни томошабинлар талаб қилаётган бўлса, унга ҳатто узбекча сўз қўйиб айтилишини ҳам оқлаш мумкин. Чунки узи билмаган тилда оғзига келган гапни айтишдан кура узбекча сўзни (агар таржимада бўлса яна яхши) айтган маъқул. Бу ҳолат жаҳон эстрада санъатида қулланилади. Лекин «ижод» қилаётган деб, чет эл хонандаларининг ёзувларини «титкилаб» узига мос келадиганини қилириш, кейин уни узи истаганча бузиб талқин этган ҳолда тингловчиларга ҳавола этиш санъатни булган билан баробар. Афсуски, бугунги эстрададаги энг катта муаммолардан бири шундир.

Бунинг сабаби саҳнани орзу қилиб эстрадага кириб келадиган ёшларнинг дуневий билимлардан беҳабар эканликларидир. Уларнинг кўччилиги томошабин олдидаги, уз халқи олдидаги масъулиятни ҳис қила олмайдилар. Фақат шўх-шўх қушиқлар айтиб туйларни қиздириб катта-катта пул топсам, дейдиганлар кўп. Албатта пул топишга ҳаракат қилиш керак. Аммо тингловчи эҳтиёжини узи яратган қушиқлар билан қон-

Табиат ўз қонунига бўйсиниб вақт чархлагаи айланаверар экан, йилнинг фасллари ҳам ўзгараверади. Инсон кўнглининг ҳолати эса фасллардан кўра тезроқ ўзгаради. Қалбимиз бир кўнглининг ўзида ҳам қишнинг, ҳам баҳорнинг, ёзию қишнинг кайфиятини кечириши мумкин. Ва бу кечилмалар қалб деворларини ёриб ўтиб, моддий олам сари интилар экан, улар қушиқларга айланиб қанот қоқса, муסיқага қоришиб ҳаволарга сингиб кетса ажаб эмас. Чунки қушиқ инсон қалбининг нодаларини, қувончларини ва соғинчларини ифода этади. Шунинг учун ҳам қувонч кунда ҳам, ғамлар юракка тўлган пайтда ҳам, ҳаёт ташвишларидан толиққан чоғларда ҳам кўнгли қушиқ истаиди. Қушиқлардан паноҳ қидиради...

Барча санъат турлари орасида айнан қушиқчилик энг оммавий жанр ҳисобланади. Театр, тасвирий санъат, мумтоз муסיқа асарлари ўз муҳлисларидан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Аммо замонавий қушиқ хоҳласак-хоҳламасак ҳар биримизнинг ҳаётимизга кириб боради. Чунки у бугуннинг руҳига йўрилгандир. Бугун эса биз яшаётган кун. Унинг қувончлари, унинг ташвишлари фақат бизникидир. Шу сабаб қушиқ ижтимоий ҳаётимизда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида Президентимиз «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқ байрами ҳар йили ўтказилиш тўғрисида фармон бергани ҳам бежиз эмас. Қушиқ ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, инсонни улўлаш юяларини тарғиб этишга, халқлар орасида дўстлик алоқаларини боғлашга ҳам қодир кучдир. Шундай экан, замонавий қушиқлари хусусида сўз юритиш аҳамиятсиз мавзу эмас, балки қизиқарли баҳсларга, мунозараларга сабаб бўлиши мумкин булган мавзу деб ўйлаймиз.

Азиз ўқувчи. Келинг, газетамиз орқали сиз билан мулоқотда бўлар эканмиз, давримиз қушиқлари ҳақида суҳбат қурайлик. Баҳалашайлик. Бу сизга ҳам қизиқарли ҳордиқ оилари, ҳам ўз мулоҳазаларингизни изҳор этиш имкони бўлсин.


**Америкалик эстрада юлдузи Мадонна ўзининг жажжигина қизчасини ҳимоя қилиш учун хизматчи ва энага ёллади. Эндл қизапоқни сўратта олмоқчи бўлган фотожурналистлар бу девқо-журналистлар бу девқо-матли ҳимоячилар ортдаги қизча уёқда турсин.**

**МАДОННАНИНГ ҚАСРИ**

ҳатто унинг қоляскасини ҳам кўрол-майдилар. Мадонна ўзи учун эса Англиянинг қишлоқлардан биринида жойлашган улкан қасрни сотиб олибди. Айтишларинча, бу қаср бир пайтлар қирол Эдуард Саккзингига тегишли бўлган экан...



дириш ва шунинг эвазига обрўэтибор, керак бўлса катта концертлар бериб, туйларда хизмат қилиб пул топиш лозим. Афсуски, эстрадага кириб келадиган ёшларимиз орасида узининг «бу — мен» деган сўзини айта оладиганларни ҳам учратамиз. Қушиқчи ҳам, актёр ҳам худди рассомлар, ёзувчилар каби жамиятда ўз ўрни ва нуқтани назарига (позициясига) эга бўлиши керак-ку. Машҳур эстрада юлдузлари булган Майкл Жексон, Уитни Хюстон, Ми-



Концертта боряпмиз

таркин. Бадиий кенгашда кимлар бор. Балки уларнинг шеърлари ёки мусиқаларини олсам бадиий кенгашдан осон утарман, — дейдиганлар кўп. Бу кучсизлик аломатидир. Аслида эса қушиқ айтиш ҳам ижоддир. Ижод эса доимий ҳаракат, излаш ва узини намоён эта олишдир.

Сунгги пайтларда матбуотда ёшларни танқид қилиш одат бўлиб қолди. Биз буни четлаб ўтишни истардик. Лекин афсус-

ки, бу танқидлар асосли. Қушиқчилик ҳақида гапирмоқчи бўлсак, муаммолар уз-узидан қуйилиб келаверади...

Аммо ҳаммани ҳам бир хил деб булмайди. Эстрадаимизга эндигина кириб келадиган ёшлар орасида фақатгина уз қушиқларини айтиб, ҳеч кимга тақлид қилмаганлари ҳам бор. Шаҳсан мен бунга Зиёда Фозилова, Лайло, Рашид Холиқовларни мисол қилиб курсатар эдим. Яхшиси, газета орқали «хит-парад» ўтказилиб турилиши мақсадга мувофиқ буларди. Ўқувчилар уз фикрлари билан бирга қайси хонандага юқори баҳо беришини ёзиб юборсалар, шунга қараб ҳар оянинг энг яхши қушиқчисини, энг яхши қушигини аниқлаш мумкин буларди. Шунда адолат юзасидан хонандалар ижодини баҳолаш мумкин. Қушиқ эса, юқорида айтаганимиздек, кўнгли истаги. Кўнгли эса бир кунда турт фалсли кечириши мумкин.

Саҳифани Иброҳим ЖИЯНОВ тайёрлади

**Анжелика Варум театр актёри!**

Кўпчиликка узининг «Пля-фа» деб номланган қушиғи билан танилиб, эстрада юлдузи даражасига ета олган Анжелика Варум кўпчилигимизда театр санъати билан қизқиб қолди. У ҳозирги кунда Армен Жигарханян ва Людмила Гурченко каби улкан саҳна устаслари билан бирга бир спектаклда роль ўйнамоқда. Хонанданинг актёрлик истеъдоди қай даражада эканлиги ҳақида бир гап айтиш қийин. Аммо унинг қушиқларини жуда кўп қилишлар сениб эшитишадди.

рей Матъе, Шарл Азнаур ва жуда кўп санъаткорлар жамиятда ўз ўрнига, овозига эга була олганлар. Ўзларининг инсонпарварлик гояларини, халқлар дўстлиги, дунёда тинчликни барқарорлаштириш борасидаги улкан тадбирларни ҳам амалга оширмоқдалар. Агар улар ҳам концертлардан тушган маблагларини ҳисоблаш билангина чекланганларида бу даражада эътиборли була олмасдилар.

Кўп ёш хонандаларимиз «шамолга бўйсиниб» иш кўрмоқдалар. Яъни шамол қаёққа эсса шу ёққа эгиладилар. Ўзларининг мустақил нуқталари йўқ. Бугун қандай қушиқни айтсам телевидение мени кўпроқ курсар-

**«АСР» «Хўжа»дан келиб чиққан**

«Хўжа» гуруҳини кўпчилик яхши билса керак. Бу гуруҳ иштирокчилари ўзларининг бетакрор услубига эга эдилар. Лекин, охириги пайтлардаги концертларда улар кўринмай қолди. Бунга сабаб «Хўжа» гуруҳидаги баъзи бир ижодий ўзгаришлар бўлса керак. Чунки гуруҳнинг хонандаси ўзгариб деган гаплар бор. Биз кейинги гаплар саҳнафамизда уша хонанда ким эканлиги, қолаверса, «Хўжа» гуруҳидаги ўзгаришлар тўғрисида батафсил маълумот берамиз.

Дарвоқе, ҳозир Фаолплат курсатаётган «АСР» гуруҳи ҳам «Хўжа»нинг тарқибидан келиб чиққандир.

**Майкл Жексон ҳақида...**

Ҳаммага маълумки, кўпгина эстрада ва кино юлдузлари тасодифан фотосуратга тушиб қолишдан узларини олиб қочадилар. Бу табиий албатта. Тасодифан ва узоқ масофадан олинган сурат унчалик чиройли чиқмаслиги мум-

кин. Биз плакатларда ёки журналларда курган суратлар эса уста фотографлар томонидан махсус студияларда олинади. Кейин эса янаям кўрақ бўлиши учун ҳар томонлама сайқалланади. Бунда рассомлар ҳам, компьютер инженерлари ҳам катта хизмат қиладилар. Биз билган Майкл Жексон ҳам ҳар доим юқорида айтганимиздек,

тасодифий суратга тушишлардан сақланади. Аммо Дэйв Хуган деган фотографга омад қилиб боқди. Кельн шаҳрига гастролга келган Майкл нафақат фоторепортажларга, ҳатто узининг саҳна ордидаги хонасига кириш учун ҳам Дэйв Хуган учун рўхсат берди. Бу одатдан ташқари ҳолатдир.

Машҳур юлдузларнинг ҳаракатларини баъзан тушуниш қийин...

**Жанет Жексон ҳақида...**

Майкл Жексоннинг синглиси Жанет Жексон ҳам эстрада юлдузларидан бири ҳисобланади. Унинг бир неча видеоклиплари машҳур бўлиб кетган. У охириги уч йил ичида уйда ўтириб, концертларда, телевидение ва матбуот саҳифаларида қуринишдан боти тортиди.

Тўғри, Майкл Жексон ҳам уз юзини операция қилдирган пайтда худди шундай қилиб, бир қанча вақт мобайнида ҳеч кимга қурирмай юрган эди. Буни тушуниш мумкин. Аммо Жанет Жексон эса ҳеч қандай операция қилдирмаган экан. Уйда уч йил ўтириш сабабини эса тушуниш қийин. Нима булгандаям у яна саҳнага қайтди. Жанет Жексон худди аввалгидек экан...

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

**Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир ҳайъати:**

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон КИРФИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма тибок. Буюртма — Г-0592. 10960 нускада босилди. Қоғоз бичими — А3. Босишга топшириш вақти 19.00. Тошпириди — 18.30.

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Нашр курсаткичи: № 64563
- Телефон: 1-33-44-25